

ФОРОБИЙНИНГ БИЛИШ НАЗАРИЯСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

*Boygaziyev Tulqin Inatullayevich
Shahrisabz davlat pedagogika instituti
katta o'qituvchisi
E-mail: bojgaziev.tulkin@gmail.com
Tel: +99888 190 83 83*

Аннотация. Ушбу мақолада Абу Наср Форобийнинг ақл, билиш ва илм ҳақидаги таълимоти таҳлил қилинади. Форобий инсон камолотига эришиш учун илмга эга бўлиши, ақлий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириши зарурлигини таъкидлайди.

Калит сўзлар: Фалсафа, илм ва маърифат, фаол ақл, илм, тасаввур, субстанция, акциденция

ТЕОРИЯ ПОЗНАНИЯ ФАРАБИ И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ

Аннотация. В данной статье анализируется учение Абу Насра Фараби об интеллекте, знании и наука. Фараби подчеркивает необходимость приобретать знания и развивать интеллектуальные и моральные качества, чтобы достичь совершенства.

Ключевые слова: Философия, наука и просвещение, активный разум, наука, воображение, субстанция, акциденция.

FARABI'S THEORY OF KNOWLEDGE AND ITS SIGNIFICANCE

Annotation. This article analyzes the teachings of Abu Nasr Farabi on intelligence, knowledge and science. Farabi emphasizes the need to acquire knowledge and develop intellectual and moral qualities in order to achieve perfection.

Keywords: Philosophy, science and enlightenment, active mind, science, imagination, substance, accident.

Абу Наср Форобий билиш масалаларига диққат эътиборини қаратади. Унинг фикрича, инсон ҳақиқий камолотга етиши учун, аввало, илмий билимларга эга бўлиш зарур. Бунинг учун инсон ақлий хислатларни эгаллаши, тарбиячи эса шогирдидаги ана шу фазилатларни ривожлантиришга ёрдам бериши лозим. Мутафаккир таълимотида, ақл гарчи келиб чиқиши билан Биринчи сабаб олий зотга боғлиқ бўлсада, ривожланиш давомида у фақат инсоннагина хос бўлган туғма қувват сифатида намоён бўлади. Аллома инсон фаҳм-фаросати, фикрлаш, мулоҳаза юритиш қобилиятини тўғри йўлга қўйиш орқали ақлий ва ахлоқий камолотга етади, табиат ва жамият қонунларини тўғри билиб олади, ҳаётда тўғри йўл тутаяди, деган фикрни илгари суради.

Абу Наср Форобий, “Ақл маънолари ҳақида” рисоласида ақл масаласини чуқур талқин қилади. У ақл, бир томондан, рухий жараён, иккинчи томондан, ташқи таъсир – таълим тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради. Унинг фикрича, ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват-рухий куч билан боғлиқ. Олим ақлли инсон ҳақида шундай ёзади: “Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истеъдодга эга; ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идроққа эга бўлганларни ақлли деб бўлмайдилар, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим[1]. Буюк аллома инсон ақлини дунё ривожланишининг энг олий маҳсули, олам, унинг субстанцияси ва акциденцияларини билишга қодир қодир деб ҳисоблаган ва уни илмлар тавсифида илмларнинг келиб чиқиши ва тартиби ва ўзаро алоқалари мисолида тушунтирган. У дастлаб мусиқа илмини тавсифлайди. Унинг таъкидлашича, ақл ранглар остида шу рангга эга бўлган нарсалар борлигини, овоз кетида овоз келаётган нарсалар мавжудлигини биледи, ақлнинг бошқа сезгилар билан муносабати ҳам шу қабидир. Форобийнинг фикрича, субстанция ҳаракатга келгандан сўнг овозга ҳам эга бўлди ва бу овоз уч турга бўлинади, хусусан, баланд, паст ва ўртача. Бундай

овозлар хақида биз номаълум бўлган нарса қолмаслик учун баланд, паст ва ўртача овозларни билишга қаратилган илмга эҳтиёж туғилади.

Мутафаккирнинг уқтиришича, бу илмнинг уч асоси бордир: банд, мелодия (оҳанг) ҳамда куй ва бошқа аъзолар ҳаракати. Банд ақлий тушунчаларни маълум тартиб-тенгликка келтириш учун кашф қилинган, мелодия паст ва юқори овозларни маълум тартиб-тенгликка солиш учун кашф этилгандир: бу ҳар икки асос эшитиш сезгисига бўйсунди.

Форобий, борлиқни инсоннинг била олишини қайд қилиб, инсоннинг билишини, унинг руҳий қобилиятларини инсон мияси бошқаради, барча руҳий “қувватлар”, жумладан билиш қобилияти ҳам унга боғлиқ, дейди. У ўзининг “Илм ва санъатнинг фазилатлари” рисоласида инсоннинг табиатни билиши чексизлигини, билим билмасликдан билишга, сабабиятни билишдан оқибатни билишга, акциденция (ал-ораз)лардан, яъни сифатлардан субстанцияни-моҳият (жавҳар)ни билишга қараб боришини, илмнинг борган сари ортиб, чуқурлашиб боришини айтади.

Буюк аллома инсон билиши жараёнини икки босқичга бўлиб, бу босқичларнинг ўзаро боғлиқлигини, ақлий билим ҳиссий билишсиз юзага келмаслигини алоҳида таъкидлайди. У инсон билиш жараёнининг бу босқичларини инсондаги “ташқи қувват” ва “ички қувват”лар билан изоҳлайди. “Ташқи қувватлар” бевосита ташқи таъсирлар орқали сезги аъзоларида вужуга келадиган сезгилардир. Улар 5 турли: тери-бадан сезгиси, таъм билиш сезгиси, ҳид билиш сезгиси, эшитиш сезгиси, кўриш сезгиси. Буларнинг ҳаммасини Форобий ҳиссий билиш (“қуввати ҳиссия”), деб қарайди. “Ички қувват”га эса у эса олиб қолиш (хотира), хаёл (тасаввур), ҳис-туйғу нутқ (фикрлаш) “қувватлари”ни киритади. “Ички қувват” деганда у инсоннинг ақлий билиш босқичини тушунади. Унингча, илмни эгаллаш шу “қувватлар” орқали амалга ошади.

Ал-Форобий ўз билиш назариясида Платоннинг ғоялар дунёси, ғояларнинг туғма бўлиши ҳақидаги таълимотга қарама-қарши, ғояларнинг, тушунчаларнинг борлиқдан, реалликдан олинганини, масалан, математик

тушунчалар: нукта, чизик, доира ва сатҳ каби геометрик тушунчалар реал мавжуд нарсаларнинг инсон миёсидаги фикри инъослари эканлигини айтади.

Буюк аллома фикрича, билишнинг қуроли: нутқ, тасаввур ва ҳисдан иборатдир. Нарсалар тўғрисидаги билим нутқ қуввати орқали, тасаввур ва ҳис туйғу воситасида ҳосил бўлади. Ҳар вақт билим ҳосил қилишга ирода кўрсатилса, унинг идроки нутқ қувватининг шаънидир. Нутқ воситасида келиб чиққан илм ўз эътибори билан ҳис-туйғу уйғотувчи ишларни баён этади. Демак, илм ҳиссий қувват натижасида келиб чиқади. Илм мавзусининг тасаввурга таалуқли, тасаввур эса ўз орзу туғдириши ва ҳис туйғуга бошқача тасаввурларнинг кириб келиши нутқ қувватининг ҳосилаларидир. Шунга биноан тасаввурий маърифатнинг мавзуси энг юқори зотларнинг вужуд босқичларидан тортиб то мавжуд бўлмаган ёлғон нарсаларни ўз ичига олади. Иккинчи томондан аввалдан вужудга келган нарсалар икки хил:

- 1) ҳис-туйғу билан билинадиган нарсалар;
- 2) исбот ва далил орқали билинадиган нарсалардир[2].

Буюк мутафаккир ақл даражаларининг ўсиб бориши жараёнида предметларнинг табиати тўрт унсурдан ташкил топганлиги, бу унсурларнинг тузилишини билиш даражасигача етиб боришини таъкидлайди ва бу жараённи қуйидагича таҳлил қилиб беради. Шу билан бирга, бу жараён фаол ақл томон ҳаракатнинг босқичларидан иборат эканлигини кўрсатади: “Инсон ақли ўзининг сўнгги камолотига етишган тақдирда ҳам фақат ўзининг моҳиятига, фаол ақл моҳиятига яқинлаша олади, холос, -дейди Ал-Форобий. Арасту инсон ўз моҳиятининг камолотга етишиши борасида шу ақлга тақлид усули бўйича энг сўнгги ҳолат ва феъл (таъсир этувчи сабаб) эканлигини ўзи учун аниқлаб олади. Ушбу ақл зеҳннинг асосидир, чунки у феъл ва унинг воситасида инсон энг сўнгги ҳолатга (камолотга) эришишга восита бўлувчи асосни ҳозирлайди. Инсон ақли учта ҳислатга эга асосдир. У феъл (таъсир этувчи сабаб), у –мақсад ва у –фаол ақлга яқин бўлишга интилувчи баркамолликдир. Инсон ақли шакл, мақсад ва феъллиги билан фарқланади.

Инсон зехн ила қандайдир бир он фаол ақлга (ақли фаол) етиши, унга таломус асос бўлади: шу нарса маълум бўлдики, табиатан инсон моҳиятида мавжуд бўлган нимадир (нарса) ақлнинг ўзидир”[3].

Аллома фаол ақлнинг босқичма-босқич иерархик ривожланишини шарҳлар экан, унда таъсир этувчи сабаб (феъл) нинг аҳамиятини таъкидлайди: “Баъзан Арасту, авваллари ўзига тушунарсиз бўлган масалаларга ёки инкор этган кўп нарсаларга қайтади, -дейди Форобий.

Буюк мутафаккир фаол ақлга диққат эътиборини қаратади. Бу ақл табиат ва рух, (нафс) табиий ва руҳий моҳиятлар сабабими – йўқми, деган саволга жавоб излайди. Натижада у унсурлар бошқа нарсаларнинг ҳаракатига (ҳаракатланишига) мойил этувчи асослардир, деган фикрни маъқул топади. Ушбу фикрдан келиб чиқадики, инсон ердаги нарсаларнинг моҳиятларини, моддий асосларини билиб олган ақл (имконий, воқеий-актуал, фойдаланувчи) энди осмон жисмларини, уларнинг шаклларини билишга томон чуқурлаша боради. Ўзининг сўнгги (баркамоллик) босқичида ақл фаол ақлга айланади, бир бутун ҳамма нарсаларга, инсонга ўз таъсирини ўтказиб, дунёвий, самовий ақл билан қўшилиб кетади ва абадийликка айланади, мангулик хислатига эга бўлади”[4]. Ушбу фикрдан келиб чиқадики, инсон ердаги нарсаларнинг моҳиятларини, моддий асосларини билиб олган ақл (имконий, воқеий-актуал, фойдаланилган) энди осмон жисмларини, уларнинг шаклларини билишга томон чуқурлаша боради. Бу узоқ жараённинг ҳаммаси ақлнинг имконий шаклдан воқеликка айланиши самовий фаол ақлнинг бевосита таъсирида вужудга келади.

Мавжудотнинг моҳиятини билиш инсон жони, тафаккурининг дунёвий ақл билан қўшилиши асосида вужудга келади, яъни дунёвий ақл инсон ақлининг фаоллигини, билишдаги муваффақиятларини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Форобийнинг ақл ва билиш ҳақидаги таълимоти инсон тафаккури ва маърифатини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. У билимни фақат тўплаш эмас, балки уни онгли равишда англаш ва амалий ҳаётда қўллаш зарурлигини таъкидлайди. Мутафаккир фикрига кўра,

инсон ўз онги ва билимини тарбиялаш орқали ақлий ва ахлоқий камолотига етиши мумкин. Шунингдек, Форобий билиш жараёнини ҳиссий тажриба ва ақлий мулоҳазаларга асосланган тарзда изоҳлаб, инсон онгида шаклланадиган тушунчалар реал дунёдан олинади, деб таъкидлайди. Бу ғоялар бугунги кунда ҳам аҳамиятли бўлиб, таълим ва фалсафа соҳаларида ўз қийматини йўқотмаган.

АДАБИЁТЛАР

1. Хайруллаев М. Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар // Буюк сиймолар, алломалар. 1-китоб –Т.: Халқ мероси, 1995, 38-бет.
2. Қаранг: Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида.-Т.:Ёзувчи,2002. 25 б.
3. Фозил одамлар шахри. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 106-бет.
4. Аль-Фараби. О разуме и науке. –Алма-Ата, 1975.с.104.
5. Тулқин, Бойгазиев. "Форобий фалсафасида билимларнинг турларга ажратилиши." *Философия и право* 25.2 (2023): 150-154.
6. Boygaziyeu, T., and A. Ochilov. "ABU NASR FOROBIYNING BOSHLANG‘ICH BILIMLAR HAQIDAGI QARASHLARI." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 3.5 (2023): 39-43.
7. Pardayev, Ismatullayevich, and Tulqin Boygaziyeu Inatullayevich. "Views of Abu Nasr Farabi on the Interaction Between the Human Spirit and the Body." *JournalNX* 7.04: 374-376.
8. Boygaziyeu, Tulqin. "Форобийнинг ақл, билиш ва илм ҳақидаги таълимоти (тахлил ва талқин)." *Молодые ученые* 2.17 (2024): 23-27.